



YOSHLAR OVOZI

БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко 12 сентябрь куни расмий ташир билан мамлакатимизга келди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Беларусь Президенти Мустақиллик майдонига ташир буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Александр Лукашенко ушбу муҳташам майдон Ўзбекистоннинг тинчлик-севар сиёсатини, халқимизнинг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбошимиз хотирасига ҳурмат баҳо келтирди.

Таширнинг асосий тадбирлари 13 сентябрга мўлжалланган.

Авал хабар қилинганидек, Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенконинг Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтадиган музокараларида Ўзбекистон билан Бе-

ларусь ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликка доир кенг қўламли масалаларни муҳокама қилиш, сиёсий мулоқотни, савдо-иқтисодий, инвестиция, фан ва таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб олиш режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Беларусь Президентлари минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Олий даражадаги музокаралар якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали дўстона алоқаларга янги суръат бағишлашга қаратилган салмоқли давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ташир дастуридан Тошкент кишлоқ ҳўжалиги техникаси заводидаги «Амкордор-Агротехмаш» қўшма корхонасининг очилиш маросими, «Беларусда ишлаб чиқарилган» миллий кўргазмаси, шунингдек, атоқли беларусь адиби Якуб Колас хотирасига атаб бунёд этилган ёдгорликни зиёрат қилиш ва бошқа тадбирлар ўрин олган.

ЎЗА

БУХОРО: ФАРОВОН КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Бухоро вилоятида "Ёшлар ҳафталиги" ўтказилмоқда



Лойиҳа доирасида етакчи ва сардорлар, таълим муассасалари психологлари, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг маслаҳатчилари учун психологик тренинглар, ҳудудларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва ажримларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ва очик мулоқотлар, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакиллари, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтганлар ҳамда ишсиз ёшлар учун меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, йигит-қизларни қийнаётган кўплаб муаммолар бартараф этилмоқда.

3-саҳифага қаранг

ESHITDINGIZMI?

"ЎЗБЕКИСТОН СОВҒАЛАРИ"

КўРГАЗМА-САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ ПОЙТАХТИМИЗДА

"Хунарманда" уюшмаси томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда илк марта таълим ташкил этилаётган тадбир жорий йилнинг 22-23 сентябрь кунлари Сайилгоҳ кўчасида бўлиб ўтади. Унда юздан ортиқ хунарманлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этади. Шунингдек, тадбир доирасида маҳорат дарслари, дорбоз ўйинлари, кураш мусобақалари, миллий ўрф-одатларимиз намойиши, кўғирчоқбозларнинг қизиқарли томошалари ҳам ўтказилади.



ДОВОНДА САЙЁҲЛИК АХБОРОТ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ



Ургут ва Китоб туманларини боғлаб турувчи Тахтақорача довоида очилган мазкур марказда маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ўзи учун керакли бўлган маълумотларга эга бўлади. Шунингдек, бу ерда мобил санитария ва гигиена шохобчалари ҳам ўрнатилди.

ИСТАНБУЛДА 5 ТОННА ЎЗБЕК ПАЛОВИ ТАЙЁРЛАНАДИ

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва "Chustiy's Group" ўзбек пазандачилик уйи ҳамкорлигида шу йилнинг 16 сентябрь куни Туркияда ўтказилган "Ўзбек миллий қадриятлари куни" да амалга оширилди. Мазаги паловдан таътиб кўришни истаганлар Истанбулдаги Ускудар майдонига ташир буюриши мумкин.



Ўз ахборотимиз

CHINGIZ AYTMATOV TAVALLUDINING 90 YILLIGIGA

ЎЗБЕК ХАЛҚИ УЧУН ҚАДРЛИ ВА СУЮКЛИ АДИБ

Жаҳон миқёсида танилган буюк адиб ва йирик жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг шахси ва ижоди билан энг кўп танишган, унинг асарларини севиб мурола қиладиган халқ ўзбеклар бўлса керак, десам, сира муболага қилмаган бўлман. Чунки юртимизда Чингиз ога асарлари кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоби.

Адиб ҳаёти ва ижоди мамлакатимизда умумтаълим мактабларининг қуйи синфларидан то лицей ва коллежлар ҳамда олий ўқув юрталарининг ўқувчи-ю талабалари томонидан чуқур ўрганилади. Дастлаб, "Оқ кема" қиссаси билан танишган ўқувчи, уни шубҳасиз, ота-онасига ҳам

айтиб ёки ўқиб беради. Кейинроқ "Жамила", "Сарвқомат дилбарим" қиссалари ҳамда "Асрни қаритган кун", "Қиёмат" романи билан танишган, ёзувчи ижодига қизиқиши янада ортади ва албатта, бутун оила аъзолари билан бошқа асарларини ҳам топиб ўқиш ҳаракатига тушади. Шўқри, Чингиз Айтматовнинг барча асарлари Асил Рашидов, Иброҳим Гафуров, Суюн Қораев, Маҳкам Маҳмудов, Нурани Қобул, Набижон Боқий, Ёқубжон Хўҷамбердиев каби таржимонлар томонидан юксак маҳорат билан ўгирилиб, ўқувчиларга ўз вақтида етказилган.

(Давоми 2-саҳифада)

ANJUMAN

БўЛАЖАК РАҲБАРЛАРДАН УМИД КАТТА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси томонидан "Академия тизимида белгиланган вазифаларнинг ижроси, замонавий раҳбар кадрларни тайёрлаш борасидаги устувор вазифалар" мавзусида анжуман ўтказилди. Тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 21 майда қабул қилинган "2018-2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви ака-

демиясига қабул туғрисида" ги қарори ижроси юзасидан муассаса томонидан амалга оширилган ишлар хусусида маълумот берилди. Шунингдек, таълимни интерфаол усулда олиб бориш, унинг самардорлигини ошириш учун вебинарлар тизими (vc.dba.uz) ва рейтинг кўрсаткичларини аниқлашга мўлжалланган ilm-fan.dba.uz портали йўлга қўйилгани, бу эса, бўлажак раҳбарларнинг салоҳияти ошиши учун хизмат қилиши қайд этилди.

— Жорий йилда 87 нафар магистр, 120 нафар 4 ойлик қайта тайёрлаш ўқув курслари тингловчилари ўқишни муваффақиятли тамомлади, — дейди ўқув ишлари бўйича проректор Худойкул Азизов. — Шунингдек, қабул жараёнлари уч босқичли тизим бўйича амалга оширилмоқда, 2018 – 2019 ўқув йили учун ҳар икки курсга 60 нафардан тингловчи қабул қилинди. Яқунда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиб, ўқитиш тизimini янада яхшилаш бўйича таклифларини берди.

Шерзода МАҲМУДОВ

БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ, БИР ОЛАМ КИТОБ

Наманган шаҳрида мустақиллигимизнинг 27 йиллигига бағишлаб "Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!" шiori остида маданий тадбир ўтказилди.

Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши, шаҳар ҳокимлиги, Миллий гвардия ҳамкорлигида ташкил этилган учрашувда 250 нафарга яқин харбий хизматчи ва

уларнинг оила аъзолари иштирок этади.

Тадбирда бир гуруҳ ҳарбийлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун Иттифоқнинг ҳудудий кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, иштирокчилар учун "Наманган китоб олами" савдо уйи томонидан китоблар



кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Яқунда ҳудуддаги таниқли санъаткорлар иштироки-

даги концерт барчага бир олам қувонч улашди.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

ЗўРАВОНЛИККА БАРҲАМ БЕРАЙЛИК!

ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонасининг маълумотига кўра, дунёдаги 13-15 ёшдаги 150 миллионга яқин бола тенгдошлари зўравонлигига дуч келади. 750 миллион нафарга яқин болалар ва ўсмирлар жисмоний жазолаш тўлиқ тақиқланмаган мамлакатларда истиқомат қилади.

2-саҳифага қаранг

DOLZARB MAVZU

Тўмарис АбЗАМ

Сардор неча кундирки мактабга боришни истамайди. Сабабини ота-онасига айтишга уялади. Фанларни ўзлаштиришга бироз қийналгани учун ўқитувчисидан кўп танбех эшитганди. Синфдошларидан бир ёш кичкинаги туфайли доим ҳам ўзини химоя қила олмайди. Бу эса, айрим ўқувчиларга жуда қўл келади. Ўқитувчиси бўлса, уни асло эшитишни истамайди...



ЗЎРАВОНЛИКҚА
БАРҲАМ БЕРАЙЛИК!

Фарзандингиз мактабга бормаслиги учун турли важарни кўрсатяптими? Ўзлаштириши ёмонми? Балки дарсга кирмай вақтини компьютер хоналарда ўтказаятганми? Муаммо нимада эканига ҳеч қизиқиб кўрдингизми? Афсуски, бундай вазиятда айрим ота-оналар боласига ўзи "яхшилаб" тушунтириб қўйишни ўқитувчига ваъда беради-ю, масалани чуқурроқ ўрганмайди...

ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонасининг маълумотиغا кўра, дунёдаги 13-15 ёшдаги 150 миллионга яқин бола тенгбадан зўравонлигига дуч келади. 750 миллион нафарга яқин болалар ва ўсмирлар жисмоний жазолаш тўлиқ тақиқланмаган мамлакатларда истиқомат қилади. Бу каби ҳолатлар болаларнинг муваффақиятга эришишида салбий таъсир кўрсатади, албатта. Қолаверса, ўзлаштириши пасаяди, айримларининг эса, мактабдан бутунлай кетиб қолиши ҳам кузатилади. Шу билан бирга, уларнинг саломатлигига жиддий хавф туғилади.

Ўқув муассасаларидаги безорилик борган сари таъшиш масалага айланади борапти. Бунинг оқибатида ҳар кун, ҳар ерда болалар зўравонлиқнинг қурбонига айланяпти, — дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили Саша Граурман. — Кўпчилик ўқув муассасаларида бундай салбий вазиятга кўз юмилмайди. Ачинарлиси, зўравонлиққа учраган жуда кўп болаларнинг аксариятида бу борада ким биландир ўртоқлашиб, дардини айтиш имконияти йўқ. Ота-оналарнинг ҳам фарзандининг ҳолатига эътиборсизлиги

кишини таъшишга солади. Бугунги кунда долзарб муаммолардан яна бири болаларнинг оилада таъқирланишидир. — Афсуски, жамиятда фарзандининг паст баҳо олгани учун бурчакка тик тургазиб қўядиган ёки бошқа нарсадан махрум қилган ота-оналар бор, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси, дефектолог-мутахассис Раёно Макаренко. — Улар буни шунчалик жазо эмас, таъқирлаш эканини англамайди. Энг ёмони, бу каби ҳолатлар суишига олиб келиши ҳеч кимни ҳаёлига келмайди. Жиноят ишида ўлимга руҳан мажбур қилиш сабаблари ҳам ўрганилади. Бунда кўпчилик, шубҳасиз, муаллимини айблайди. Оиладан шароитга эса, аҳамият берилмайди.

Аксарият инсонлар синфдошлар ўртасидаги турли келишмовчиликларни одатий ҳол деб қабул қилади. Ўқитувчиларни ҳам бу вазият таъшишга солмайди. Аммо бу воқеалар аянчи яқунлашиши мумкинлигини ўйлайдиган вақт келди. Ота-оналар нуридийдаси билан дўстона муносабатда бўлиб, уларни химоя қилиши, юқоридики вазиятларга дуч келса таълим маскани маъмуриятига мурожаат қилиши шарт. Ана шундагина, болалар нафақат тенгдошлари, балки ўқитувчиларнинг таъқирлашидан ҳам химояланади. Зўравонлиққа барҳам бериш барчамизнинг вазифамиздир.

Фарзандларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳий камолоти оила ва жамият учун жуда муҳим. Уларнинг келаганини барбод қилишга эса, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ УЧУН
ҚАДРЛИ ВА СУЮКЛИ АДИБ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Чингиз Айтматов XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, аввало, Ўрта Осиё ва Қозоғистон, қолаверса, бутун Шарқ халқлари адабиёти ва санъатини тубдан янгилаш, чинакам халқчил, прогрессив, жаҳоннинг ривожланган адабиётлари қаторига қўйиш нияти билан кириб келди, яшади ва ишлади. Бу борада биринчи гада ўзи намуна кўрсатишга киришди. Бунинг учун инсониятни мангу қийнаб келаятган, аммо жамият таъиқи остида айтиш мумкин бўлмаган мавзу ва муаммоларни, янгича қиёфа ҳамда қарашга эга кишилар образини яратишга уринди. Адиб инсоннинг жамиятдаги ўрни, маънави, эмин-эркин яшashi, қилган меҳнатидан ҳам жисмонан, ҳам маънави қониқиши, кўнгли истагига кўра севиш ва севилиш ҳуқуқига эга бўлиши зарурлигини англади ва уларни адабиётга дадил олиб кирди. Шу боис ҳам ёзувчининг қаҳрамонлари анча-мунча қолдирилган семайди.

Манашу фазилатларига кўра, Чингиз Айтматов ижоди юртимиздаги оддий китобхонлар онги, дунёқарashi, ҳуқуқи ва турмуш тарзига жиддий ижобий таъсир кўрсатади, уларни ҳаётда учрайдиган қийинчилик ҳамда тўсиқларни ақл ва матонат билан енгиб ўтишга ўргатади. Чунки адиб асарларида таъсирланган воқеалар, чизилган манзаралар, яратилган персонажлар тақдирини ҳудуди ўзининг ҳаётимиздан олдиндаги яқин ва тушунарли экани билан қимматлидир. Айни пайтда Чингиз Айтматов қаламга олган мавзу, муаммо ва воқеаларнинг ўзбек адабиётига ўхшashi, ҳаммадан ҳам яқини, ҳаётимизнинг ўзининг янги янгилаши, бадийлиги, нияти яқинлиги, эзгулиги билан ҳайратга солади. Бунинг сабабларини асли қадим туркий халқлар авлоди бўлган ўзбек, қозок, қирғиз, туркманларнинг тили, дили, дини, турмуш тарзи ва тарихи бир хиллигидан излаш тўғрисида бўлади. Шу боис уларнинг адабиёти ва маданияти ҳам бир-бирига яқиндир.

Бинобарин, икки халқ адабиёти ўртасидаги муштараклик, ҳаммадан ҳам ўзига хослиги Чингиз Айтматов ижоди мисолида ўзбек адабиёти асарларида таъсирланган ўхшashi воқеалар ҳамда қаҳрамонлар тақдирини билан ўзаро қиёслаш, улар ўртасидаги фарқли томонлар ва ечимнинг ўзига хослигини тадқиқ этиш, уларнинг қондошлик ва қарошлик илдизларини аниқлаш, чуқурроқ очиб қўриш ҳозирги адабиётшунослигимизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидандир. Бу уқан вазифанинг кичик бир бўлаги сифатида Чингиз Айтматов ва ўзбек адаблари ижоди ўртасидаги яқинлиқни қуйидаги йўналишларда ўрганишни мақ-

сад қилдик:

- 1) асарда ифодаланган мавзу ва муаммолар яқинлиги;
- 2) қаҳрамонлар тақдирларидаги ўхшashi ва фарқлар;
- 3) воқелик баёни ва ечимдаги муштараклик ҳамда ўзига хослиқ.

Ёшлиги Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган Чингиз Айтматовнинг ижодий меросида уруш мавзуси алоҳида ўрин тутди. Бу ҳақда адибнинг ўзи бундай деган эди: "Менинг ўспиринлик ва ёшлик чоғларим уруш ва ундан кейинги илк йилларга тўғри келганди. Ун тўрт ёшимда овул советига котиблик қилдим, сўнг солиқ йиғувчи бўлдим. Буларнинг ҳаммаси катта синов тарихисидан мендан, менинг мурғак руҳиятимдан сизиб ўтди. Мен одамларни ўша уруш ва урушдан кейинги йиллардаги оғир вазиятларда кузатайм ва ўзим ҳам чекимга тушган насибамни тотаим".

Дарҳақиқат, ўз даврида кўрган-кечирганлари адибнинг "Юзма-юз", "Жамила", "Сомон йули", "Эрта қайтган турналар" қиссаларида маҳорат билан тасвирланган.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида яратилган бу асарларда илгари сурилган ғоя, тасвирланган мавзу, муаммо, танланган қаҳрамонлар тақдирини, воқеалар ечимини, қарангки, ўзбек ижодкорларининг айни шу йилларда дунё юзини кўрган асарлари билан ётда ҳаммадан ҳам яқини. Масалан, Чингиз Айтматов ўзининг "Биринчи муаллим" қиссаси билан танилган йиллари ўзбек ўқувчилари Парда Турсуннинг "Ўқитувчи", Мирзакалон Исмоилийнинг "Фаргона тонг отгунча" романларидаги ўзбек халқининг биринчи фидойи муаллими Эмүррод ва Фуломжон билан танишган эди. Кейинроқ улар қаторига Йўлдош Шамшаровнинг "Чироқ" романи қўшилди. Уруш туфайли оғир меҳнат фронтини ишлаб, ота-оналарнинг юқини енгиб қилган болалар тақдирини акс эттирилган "Эрта қайтган турналар" қиссаси билан олдинма-кейин дунёга келган Одил Ёқубовнинг "Тенгдошлар", "Эр бошига иш тўхса" каби асарларида ифодаланган воқеалар, қаҳрамонларнинг ўй-фикрлари ҳудуди эгизакдек таассурот қолдиради. Бундай ўхшashiликлар ўзбек ва қирғиз халқларининг азалдан ёнма-ён яшагани, бир мақсад сари интигани, яхши-ёмон кунлар заҳматини биргаликда торгганининг бадий илбодидир.

Уруш йилларида шўролар ҳукуматининг мустамлакис сифатида энг оғир кунларни ўрта Осиё республикалари халқлари бошдан кечирдилар. Фронтни озиқ-овқат, кийим-кечак, пул ва ҳатто қурол-ярғок билан таъминлаш ҳам ана шу халқлар зиммасига тушгани бугун барчага аён. Чингиз Айт-

матов ўзининг уруш мавзусидаги асарларида биринчи бўлиб фронтдан йироқда бўлган ҳудуд кишиларининг жамият сиёсатига муносабатини реал очиб беришга муваффақ бўлди. Коммунистик мафкура совет кишининг идеал образини яратишни талаб қилиб турган бир пайтда Чингиз Айтматов билан Саид Аҳмад "Юзма-юз" ва "Уфқ" китобларида адабиётга "қочоқ аскар" образини олиб кирдилар. "Қочоқ аскар"ларнинг ҳолати, тақдирини, уларни асраб-авайлаган яқинларининг руҳий ҳолати, ўзини ва ўзликни намоян қилиши ҳар бир санъаткор томонидан ўз ғоявий нияти, қаҳрамон характерининг бадий йўналиши, дунёқарashi ва маҳорати нуқта назаридан ўзига хос тарзда ишонарли таҳлил этилган.

Масалан, уруш тақдирларига муҳим ўзгариш киритган Саид ("Юзма-юз" қиссаси) ҳам, Жаннат ҳола ҳам ("Уфқ" романи) даставвал эри ва талаб олган битта-ю битта ўғлининг фронтдан қонганини кечиради, уларни астойдил парварши қилади. Исмоил ва Турсунбой эса бундан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлади, кундузи яшириниб, кечаси қабиҳ ниятларини амалга оширишга уринади. Уларнинг барча инжиқликларига чидаб, бардош билан яшган аёлларнинг сир саклаш имконияти тобора торая бошлади. Натижада эрининг зараркунадалигидан безган Саид Исмоилни ушлаб беради, Жаннат ҳола эса қуяқуя вафот этади.

Урушнинг энг қизгин, фронтурти жаҳшанинг энг оғир кунларида жанг майдонларида жон олиб-жон бераётган эрларига хиёнат қилиб, очикдан-очик бегона эркаклар билан қочиб кетган аёллар образи ҳам қирғиз ва ўзбек адабиёти намуналаридан акс этган. Бу жиҳатдан Чингиз Айтматов яратган Жамила ва Дониёр қисмати билан Ўткир Хошимовнинг "Икки эшик ораси" романидаги Зуҳра ва Нозим тақдирларини таққослаш ибратлидир. Уларнинг қилмиши бир-бирига жуда ўхшаш кетса-да, "айбдор"ларга муносабат, воқелик ечимини бундай бошқача, ҳар бир иллатнинг урф-одатига хос равишда ҳал этилади. Характери жиҳатидан хийла шаддо, ўзини олқочиб келган эри Содиқнинг ўтли муҳаббатига ва эркалашларини тўла ҳис этолмаган Жамила шунчалик чўлоқ, индамас, тўнг, аммо жарангдор овози билан қалби тўла муҳаббатни бутун оламга ҳайқириб айта олган Дониёр билан иштиёрий равишда қочиб кетади. Зуҳранинг қилмиши эса бошқачароқ акс этади. Опаси Фотиима билан битта оилага келин бўлган Зуҳранинг эри Зокир ҳам акиси билан фронтга кетган. Аммо ундан "қора

хат" келган. Келин эса миллий ахлоқ мезонларига кўра ломим демай яшаб юрибди. То қайнота-қайнона рози бўлиб жавоб бермагунча бу уйдан кетишга ҳаққи йўқ. Бироқ унда ҳам кўнги бор, ҳис-туйғу бор. Кутадиган илнжи қолмаган аёл фронтдан ярадор бўлиб қайтган кўшни қишлоқлик бир аскар йигит билан аҳд-паймон қилиб, уйдан чиқиб кетди. Уларнинг бу қилмиши тўғри эдими? Нега улар эрини (Зуҳра эса илди мудатини) кутмасдан қайқан келгани номалум қиссалар билан кетавери? Бу оилага хиёнат эмасми!

Аслида, аёлларнинг бу вафосизлиги жиддий муҳокамага, айблагаш ва кескин ҳулоса чиқаришга арзийди. Аммо мутафаккир адиблар бу масалада ўзини холис тутадилар. Ч.Айтматов Жамиланинг қилмишини баҳолашни воқеага бевосита гувоҳ бўлган ҳикоятчи Сейт, овул аҳли ва ўқувчилар ҳуқуқига ҳавола қилади. Келин-ойисини қораламаган биргина Сейт эди, холос. Ўзи ҳам сеғми қошонасига илк қадам қўяётган бу ўсмир йигит улар тўғри иш қилди, деган ҳулосага келади. Бироқ қишлоқ аҳли ёлпасига Жамилани қоралайди: "Аҳулига-ла! Ақи бўлса туз инган жойига туфлаб, санқиб юрган бир мусофирга эргашиб кетармиди?". "Унинг нимасига қизики экан? Эски шинели билан тешик этигидан булак ҳеч балоси йўқ эди-ку! Уйи йўқ, жойи йўқ, насл-насаби кечиради, уларни астойдил парварши қилади. Исмоил ва Турсунбой эса бундан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлади, кундузи яшириниб, кечаси қабиҳ ниятларини амалга оширишга уринади. Уларнинг барча инжиқликларига чидаб, бардош билан яшган аёлларнинг сир саклаш имконияти тобора торая бошлади. Натижада эрининг зараркунадалигидан безган Саид Исмоилни ушлаб беради, Жаннат ҳола эса қуяқуя вафот этади.

Урушнинг энг қизгин, фронтурти жаҳшанинг энг оғир кунларида жанг майдонларида жон олиб-жон бераётган эрларига хиёнат қилиб, очикдан-очик бегона эркаклар билан қочиб кетган аёллар образи ҳам қирғиз ва ўзбек адабиёти намуналаридан акс этган. Бу жиҳатдан Чингиз Айтматов яратган Жамила ва Дониёр қисмати билан Ўткир Хошимовнинг "Икки эшик ораси" романидаги Зуҳра ва Нозим тақдирларини таққослаш ибратлидир. Уларнинг қилмиши бир-бирига жуда ўхшаш кетса-да, "айбдор"ларга муносабат, воқелик ечимини бундай бошқача, ҳар бир иллатнинг урф-одатига хос равишда ҳал этилади. Характери жиҳатидан хийла шаддо, ўзини олқочиб келган эри Содиқнинг ўтли муҳаббатига ва эркалашларини тўла ҳис этолмаган Жамила шунчалик чўлоқ, индамас, тўнг, аммо жарангдор овози билан қалби тўла муҳаббатни бутун оламга ҳайқириб айта олган Дониёр билан иштиёрий равишда қочиб кетади. Зуҳранинг қилмиши эса бошқачароқ акс этади. Опаси Фотиима билан битта оилага келин бўлган Зуҳранинг эри Зокир ҳам акиси билан фронтга кетган. Аммо ундан "қора

"От кишнаган оқшом" қиссаларини инсоннинг ҳар қандай вазиятда ҳам ўзинини йўқотмаслиги, одамийлигини бой бермаслиги, гайринсонийликка қарши курашиши, ақл-фаросат билан иш тутиши, ҳар қандай иллатни дадил фойда этиш, жисмоний кўчни жиловлаб, маънавий устунликка эришиш ғояси бирлаштириб туради. Адибларнинг бу эзгу ниятлари Танобой билан Зиёдулла, Гулсари ва Тарлон образлари орқали илгари сурилади.

Чингиз Айтматов асарларида ифодаланган ғоявий фикрлар, инсон ва жамият, инсон ва табиат, инсон ва ҳайвонот олами, инсон ва дин, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик сингари умумбаршир муаммолар, уни ифодалашга хизмат қиладиган образлар галереяси, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, жиддий ҳар тасвири ўзбек ижодкорлари асарларида ҳам муҳим ўрин эгаллаётгани қувонарли. Бу жиҳатдан Исажон Султон, Нуриддин Ҳамадан, Нормурод Уроқбойлов асарлари характерлидир. Буюк қирғиз адибининг "Қиёмат", "Охирзамон нишонлари" романларида илгари сурилган фалсафий ғоялар И.Султоннинг "Боқий дарбадар", "Озода", "Генетик" романлари мазмун-моҳиятига сингир кетганини сезиш қийин эмас. Масалан, "Қиёмат" романи қаҳрамони Авдий Каллистратовнинг айтишича, "Бизнинг Худо ҳақидаги фикрларимиз қанчалар мутлақ ва ўзгармас бўлмасин, улар эндиликда дунё ҳақидаги янги билимларга сира мос келмай, эскириб қолади". Айнан шу фикр И.Султоннинг "Боқий дарбадар" романида бир гуруҳ дунё олимларининг янги одам — геномен яратиши, яъни Оллоҳнинг яратувчилик қасдиётига ширк келтириш тўғрисидаги ғояси билан ҳаммадан ҳам яқини асарда ҳам замона кишиликнинг Худони инкор этиб, қиёматни яқинлаштираётган қиссаларнинг фожиаси мангу дарбадарликка ҳужум этилган этиқул билан нашафурлуқнинг тисмасоли орқали реал ифодаланган.

Шунингдек, Шуқур Хошимовнинг "Қилқўприк" романида ифодаланган воқеалар ҳамда "Қора камар" драматизининг Хуррамбек билан Абдулла Набилар "Қиёмат" романидаги Гурам Жўҳадзе ва Сандролар билан тақдирдошлиқлари, бир сиёсий тузуннинг қурбонига айланиши билан бир-бирига яқин. Ўзбек адабиётининг Чингиз Айтматов ижоди билан ҳаммадан ҳам яқини ҳаммадан ҳам яқини мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ юқоридики мулоҳазаларнинг ўзи ҳам Чингиз Айтматовнинг қадри ўзбекистонликлар учун ғоят баланд эканини англайди.

Хуллас, буюк адиб ва йирик жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг юксак фалсафий муҳофада билан суғорилган барча асарлари ўзбек халқининг маънавий дунёсини, адабиётининг эса ғоявий-бадий ҳазинасини бойитишда муҳим роль ўйнамоқда.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
Фаргона давлат
университети профессори,
филология фанлари доктори,
ЎЗА

IFTIXOR

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ
ИНСТИТУТИ 25 ЁШДА

Фарҳоджон ҲОЖИЕВ,
Ёнгин хавфсизлиги институти катта ўқитувчиси,
катта лейтенант

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маданият саройида Ёнгин хавфсизлиги институтининг 25 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, Ички ишлар вазирлиги фахрийлари, институтининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Тадбирни Ички ишлар вазирини, генерал-майор Пулат Бобожонов табрик сўзи билан



нинг жамиятимизда тутган ўрни, аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди. Шунингдек, ўз бурчига садоқат билан хизмат қилаётган бир гуруҳ ходимлар Ички ишлар вазирлигининг буйруғи билан "Аҳоли хизматлари учун" кўкрак нишони, фахрий ёрлик, эсдалик қўл соатлари билан тақдирланди. Яқунда Ички ишлар вазирлигининг ашула ва рақс ансамбли томонидан тайёрланган концерт барчага ҳуш

кайфият улашди. — Бугунги кунда институтда икки нафар академик, беш нафар фан доктори ва йигирмага яқин фан номзодлари фаолият кўрсатмоқда, — дейди Ёнгин хавфсизлиги институти бошлиғи, юридик фанлари доктори, полковник Нуриддин Норматов. — Ўтган 25 йил мобайлида таълим муассасасида 7 минг 500 нафардан зиёд мутахассис тайёрланди.

YUKSALISH

ЮТУҚЛАРИ ТЕНГДОШЛАРИГА ИБРАТ

Ҳасан УСМОНОВ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 192-умумтаълим мактабида "Келажақ умидлари" мавзусида тадбир ўтказилди.

Даставвал, мактаб фаолиятига оид янгиликлар, ютуқлар ҳақида маълумот берилди. Сўнг республикамиз миқёсида умумтаълим мактаблари ўртасида бўлиб ўтган турли мусобақа, кўрик танловларда гўлблнкни қўлга киритган ўқувчилардан бир гуруҳи мактаб маъмурияти ҳамда "Кўкча" маҳалла фуқа-



ролар йиғини вакиллари томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. — Таълим муассасамизда 920 нафардан зиёд ўғил-қизлар таҳсил

олади, — дейди мактабнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Манзура Зокирова. — 45 нафарга яқин ўқувчи турли фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида қатнашиб, совриндорлар қаторидан жой олди. Уларнинг ақл-заковати, интилувчанлиги бошқаларга ҳам ибрат бўлмоқда.



ИШСИЗЛИККА БАРҲАМ БЕРАЙЛИК

Ҳафталик давомида Қоровулбозор туманида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 18 та ташкилот 210 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Яқунда ярмаркада иштирок этган ёшларнинг 18 нафарига ишга жойлашиш учун йўланма берилган бўлса, 11 нафари жамоат-ишларига жалб қилинди. Энди бу йигит-қизлар ҳам оила бюджетига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

— Ишсизликдан ёмони йўқ, — дейди Айдамир Жақинбаев. — Коллежни тугатганимдан сўнг ишлаб чиқариш корхоналаридан бирига ишга кирган эдим. Бироқ кўп ўтмай у ерда иш ўринлари қисқартирилгани туфайли, ишсиз қолдим. Қарийб бир ярим йилдан буён иш ахтараётганим. “Ёшлар ҳафталиги” доирасида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида “Lochin” бренди остида юк мотоцикллари ишлаб чиқарадиган корхонага ишга жойлашдим.

ТЎҒРИ ЙЎЛНИ ТАНЛАЙМИЗ!

Жиноятга мойиллиги бор, руҳий тушқунликка тушган, носоғлом оила фарзандлари учун ўтказилган махсус амалий суҳбатларда малакали сиёсатшунос, тарихчи ва психологлар таклиф этилгани жараёнининг янада самарали ўтишини таъминлади.

Биргина Бухоро туманида 200 нафардан ортиқ йигит-қиз билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиниб, уларнинг муаммолари, орзу-истакларига қулоқ тўтилади. Наврасталарни қийнаётган масалалар юзасидан керакли тавсиялар берилди.

Бу, албатта, бизнинг кузату-вимиз. Хўш, ўтказилган лойи-

ҳалар хусусида ёшларнинг ўзи қандай фикрда?

— Яратилган шунча имкониятни энгил-епли ҳавасларга, маънавий таназзулга етакловчи уткинчи нарсаларга алмашайтган айрим тенгдошларимизнинг борлиги кишини ташвишга солади, — дейди Бухоро давлат университети талабаси Зиёлола Пулатова. — Ушбу ҳафталик

доирасида амалга оширилаётган тарғибот тадбирлари эса, ана шундай тенгдошларимизнинг ўз хатоларини англаб, тўғри йўлга кириши учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Айтиш керак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда беш юзга яқин жиноят ҳолати аниқланган бўлса, уларнинг 32 таси айнан вояга етмаганлар томонидан содир этилган. Тадбирларда бундай салбий ҳолатларнинг аксарияти ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида қилиниши керак бўлган ишларга эътиборнинг сустлиги натижасида келиб чиқаётгани таъкидланди.

ТАРБИЯ АВВАЛО ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Нотинч ҳамда жиноятга мойиллиги бор ёшлар билан ишлаш бўйича ташкил этилган тарғибот тадбирларида элимиз ардоғидаги санъаткорлар ҳам иштирок этди.

Хусусан, таниқли актрисалар Гавҳар Зокирова, Раъно Зокирова, шoir Бобур Бобомурод каби санъат вакиллари таширифи ёшларга бир олам қувонч бағишлади.

— Ҳар бир инсон фарзандига тарбия бераётганида сен бунни урда-лайсан, бу иш, албатта, қўлингдан келади, дея уларни ишонтириш керак, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова. — Мабодо, болаларимиз бирор хатога йўл қўйса, унинг сабабини ўзимиздан қидиришимиз керак. Унутмайлик, тарбия аввало оиладан бошланади.

МУАММО ЕЧИМ ТОПДИ

Гиждувон тумани “Оқрабоб” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Фаррух Файбуллаев бундан бир неча йиллар олдин билиб-билмай, диний оқимга қўшилиб қолган эди. У суд ҳукми билан 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган-

ди. Бироқ унинг ёшлиги ва қилмишидан пушаймонлиги инobatга олиниб, оиласи бағрига қайтарилганди.

Тенгдошимиз билан мулоқот давомида унинг яна бир муаммоси ёшлар ташкилоти кўмаги билан ўз ечимини топди. У ишга жойлашди.

БУЖОРО : ФАРОВОН КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ



ҲАРБИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ҳафталик доирасида Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуронбоев ҳудуддаги ҳарбий бурчини адо этаётган ёшлар билан очик мулоқот ўтказди. Мулоқотда аскарлар

муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлгандан кейин ишга жойлашиш ҳамда имтиёзли кредит асосида тадбиркорликни йўлга қўйиш борасида уларнинг қизиқтирган саволларга жавоб олди.

СПОРТСЕВАРЛАР УЧУН ТУҲФА

Қоровулбозорлик Соҳиб Қўлиев спорт мураббийи. У туманининг Бўзачи қишлоғида оғир атлетикага қизиқувчи 30 нафардан зиёд ўғил-қиз учун тўғрак ташкил этди. Бироқ машғулотлар ўтказиладиган бинонинг аҳволи ҳаминқадар, спорт анжумлари ҳам етарли эмас. Натижада болалар машғулот вақтида навбат кутишга мажбур бўларди. Тўғри, тумандаги

болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Ойбек Камолов имконият даражасида ёрдам берапти. Бироқ... Ҳафталик доирасида ўтказилган ўрганишда туман ҳокими ўринбосари Асқар Шукуров ушбу муаммони тез кунда бартараф этиб, спортсеварларга зарур шароит яратиш ва ёш мураббийни қўллаб-қувватлашга ваъда берди.

КЕРАКЛИ ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Тумандаги 9-муסיқа ва санъат мактабида ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш марказ ходимлари томонидан туман фаоллари иштирокида ўтказилган ўқув семинарида ёшлар тарбиясида учраётган муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди.

Малакали мутахассислар Шофиркон маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунара

коллежида ҳам бўлиб, нотинч ҳамда жиноятга мойиллиги бор ёшлар билан ишлаш юзасидан таълим муассасалари психологларига керакли тавсияларни берди. Шу ернинг ўзига туман хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларига эрта турмуш куриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари хусусида маълумот берилди.

БАРЧА БИРДЕК ЭЪТИБОРДА

Шофиркон туманининг Некиши қишлоғидаги 24-умумтаълим мактабида имконияти чекланган болалар ва уларнинг муаммосини ўрганишга бағишланган учрашув ташкил этилди.

Тадбирда бу борада қилиниши керак бўлган ишлар хусусида сўз юритилди. Иштирокчилар уларини қийнаётган масалалар юзасидан мутахассисларга мурожаат қилди. Ҳудуд мутасаддиларига муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур топшириқлар берилди.

Яқунда Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази директори

Раъно Шодиева томонидан болажонларга совғалар улашилди.

Шунингдек, марказ мутахассислари тумандаги Патта қишлоғида истиқомат қилувчи Чарос Шарифжонова хонадонига ташриф буюрди. Таниқли актёрлар, Иттифоқ ходимларини куриб қизалоқнинг кўзларида қувонч порлади. Уларга ўз қизиқишлари ҳақида сўзлаб берди. Санъаткорлардан китоблар жамланмаси ҳамда “Кама-лак” болалар ташкилоти томонидан тақдим қилинган ўқув қуролларини қабул қилиб олар экан, барчага миннатдорлигини билдирди.

ИЖОДКОР ЁШЛАР КЛУБИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Юртимиз истей-додаларга бой. Бугун Бухоро вилоятининг олис қишлоқларида қалам тебратиб, ижод намуналарини чоп этиш, ижодкорлардан маслаҳат ва кўрсатма олиш илинжида юрган ёшлар етарли. Ҳафталик давомида Республика ёш ижодкор кенгаши мутасаддилари билан ташкил этилган ижодий учрашувларда ёш қаламкашларнинг дилбар сатрларига

баҳо берилди, уларга йўл-йўриқ кўрсатилди. Фаол ёш ижодкорларга диплом ва китоблар жамланмаси топширилди.

Яқунда ёшларнинг талаб ва таклифлари асосида Иттифоқнинг Шофиркон тумани кенгаши қошида Ижодкор ёшлар клубини ташкил этишга келишиб олинди. Унга ёш ижодкор Ақобир Ҳамиджанов етакчилик қиладиган бўлди.

КУННИ БАДАНТАРБИЯДАН БОШЛАЙМИЗ!

Кўҳна ва боқий Бухорода ўтказиладиган ҳафталикнинг навбатдаги манзили Шофиркон тумани бўлди. Туман марказий стадионида ўтказилган эрталабки бадантарбия машқлари ҳамда марафон ёшларнинг шимда-тини янада оширди.

— Наврасталарни жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида эрталабки бадантарбия муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бўлим мудири Умеда Ражабов. — Бундай мусобақалар доимий ўтказиб турилса, нур устига нур бўларди.



KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR

KO'K TELPAK

Mahmud ABDULFAYZ


Aslida bu voqea uning yodidan allaqachon ko'tarilgandi. Oradan ko'p yillar o'tgach, qandaydir mayda, lekin olislarda qolib ketgan va banogoh xotirasini uyg'otib yuborgan holat yuz berdi-yu, ko'ngil uyi ostin-ustin, ag'dar-to'ntar bo'ldi.

Bir maromdagi hayot, shovqin-suron, besharm gaplar, randalangan tabassumlar joniga tekch, tug'ilgan qishlog'iga qarab yo'l burganini o'zi ham bilmay qoldi. Majburiyat emas, ichki sog'inch uning qo'llaridan yetkildi.

Har gal u qishloqdagi uyi-ga borgach, odatiga ko'ra, omborxonada, ustaxona, boringki, kutubxonada vazifasini ham o'taydigan xonaga kirar, bu yerda uzoq vaqt timirskilab, go'yoki nimalarnidir qidirar, olisdagi xotiralarini birma-bir titkilardi. Eski kitoblar, almisoqdan qolib ketgan buyumlar uning dardlarini gohida davolasa, gohida eski yaralarini ochib yuborardi.

Bir safar uning oldidan junlarini kuya deyarli yeb tugatgan ko'k telpak chiqib qoldi...

Ko'k telpak... Tamom puturdan ketib, terisi chiqib qolgan ko'k telpak uning ko'nglini butkul vayron qildi. Unga vallamat va g'oyatda qimmatli, yetti iqlimga-da almashib



Rassom: Jahongir MIRZO.

bo'lmaydigan, ko'ngli miskin, lekin daryoi azim bo'lgan otasini eslatdi. Allaqachon diydasi qotib ulgurgan, uncha-munchaga ko'z yoshini ko'rsatmaydigan bo'lsa-da, ro'parasida paydo bo'lgan ko'k telpak ko'zlariga o'kinch va armon yoshlarini qalqitdi.

Kezi kelganda armon har qanday dili tosh odamni ham yig'latadi, jigaxun qiladi. Ko'k telpak bir armon edi.

—... Menga bunaqasini keragi yo'q! — dedi o'smir otasi Denovdagi mashhur ustaga sur teridan tiktirib kelgan ko'k telpakni zarfa bilan burchakka ulotirib yuborarkan.

— Ulim, otmang-da, — dedi otasi muloyimlik bilan. — Bu ko'p yaxshi telpak. Unday-munday odamning bunga imkoni yetmaydi! Sizni kiysin deb havas bilan tiktirgan edim...

— Ota, nima qilaysiz, boshimni garang qilib, — dedi o'g'il yana jahil bilan, — bunday telpak kerak emas menga! Kerak emas dedimmi, tamom, kerak emas!

— Xo'p, mayli, kiyimasangiz-kiyimgan, lekin hadeb bunday urishmang-da, ulim! — dedi otasi biroz ozorlanib. — Bu telpak uchun o'tgan yili ko'klamda cho'ldagi tanish cho'ponga borib yuzim sarg'aydi. Teridan

yaxshi telpak tiktirish uchun lezgin ustani qidirib topdim. Haqiga pulini berdim, sizni kiysin deb havas qilgandim-da, ulim!..

Alqissa, shundan so'ng bu bosh kiyim omborxonadan joy oldi. Ko'p yillar mixga osilgan-cha qolib ketdi. O'smir kamolga yetdi. Institutga o'qishga ham kirdi, o'qidi. Qarangki, o'qib yurgan paytlarida otasi havas qilib tiktirgan ko'k telpakka aynan o'xshaydiganlarning qanchalab boshlarda aziz ekanini ko'rdi. Uni o'qitayotgan katta-katta domlalar, ilm, o'qish-o'rganishning zo'ridan, balki dunyo tashvishlari, olamning o'yi og'irlik qilganidan sochlar allaqachon tark etib ketgan necha-necha boshlarda ko'k telpaklar ardoqda edi. Mag'rur yoki kamtarona, haybatli, nomdor boshliqlar, ularning o'rinbosarlari boshida ham shu telpakdan bor edi.

Shunday paytlarda u otasi rahmatli qachonlardir havas bilan tiktirgan ko'k telpakni kiyib, minglab odamlar orasidagi yo'lovchilardan biri bo'lib qolishni juda-juda istardi. Lekin bu istak uning uchun allaqachon armonga aylangan.

Negadir shunday paytlarda otasi, shu ko'k telpak sabab bo'lib o'tgan mojaro yodiga tushar va nadomat bilan o'zini qo'yarga joy topolmasdi.

Endi ko'k telpakni kiyib, maqtab-maqtab otasini suyun-tiray desa, kech. Mayli, endi hechdan ko'ra kech, otamdan qolgan yodgorlik, kiyayin desa, u kuyaga yemish bo'lgan. Bo'lar ish bo'libdi. Shunga ham g'am tortib o'tirish kerakmi, desa-da, hargiz unutilmaydi.

...Aslida ko'k telpak... kuya tushgan bosh kiyimiddi, bilmaydi. Ko'k telpak... kuya tushgan bolaligi, o'smirligimiddi, bilmaydi. Ko'k telpak... dilni tir-naguvchi xotiramiddi, bilmaydi. Ko'k telpak... aslida armonmida, buni ham bilmaydi. Faqat qah-raton qish kelgan chog'larda, osmondan pag'a-pag'a qorlar yoqanida otasi tiktirib kelgan ko'k telpak yodiga tushadi. Shunda xotiralar dilini tirnaydi, tirnayveradi...

YOSHLIK ILHOMI

Ahillik

Zebo QUTLIYEVA

— Qani, o'quvchilar, ahillik, inoqlik nima?
— Ahillik bu — sinfdosh qiz bilan birga uyga qaytish, — deb javob berdi birinchi partada o'tirgan sariq sochli bola.
O'qituvchi qoshlarini chimirib:

— Ahillik — o'zingda borini yoningdagi bilan teng bo'lish olish, birgalikda baham ko'rishdir, — dedi.
— Ustoz, maoshingizni qachon beradi? — deya kulib qo'ydi sariq sochli bola.

Bul yo'q joyda gulzor na qilur?

O'qituvchi maroq bilan she'r o'qiy boshladi:
Gulzorimdan gul uzib, keltirayin sizlarga.
Mard, jasur yigit-u, go'zal qora ko'zlarga.
— Bolalar, she'r yoqdimi?
Ustozining itidan pand yegan shoirtabiat bola ruxsat so'rab, o'rmidan sekkin turdi-da, kalovlanib dedi:
— Ha, yaxshi. Lekin

bizni aldayapsiz, ustoz.
— Nega aldar ekanman? — deya hayratda qoldi o'qituvchi.
— Axir, gul yo'q joyda gulzor na qilur? Hovlingiz yonida bitta it bog'langan turadigan o'rik daraxtidan boshqa hech narsa yo'q-ku!
O'qituvchining rang-quti o'chdi:
— Men she'r haqidagi fikringizni so'radim, xolos, o'tiring!

PSIXOLOG MASLAHATI

— Qizim 15 yoshda bo'lishiga qaramay, pardoz-andozga o'ch. Buning ustiga kalta kiyimlar, poshnali tufli olib bering, deb holi jonimga qo'ymaydi. Bunday narsalarga hali ulgurasan, desam ham o'z bilganidan qolmayapti. Nima qilsam ekan?

Robiya TURG'UNOVA
Toshkent shahri

Savolga ruhshunos Nigora ISROILOVA javob beradi:

— Farzandingiz o'tish davrida. Bu paytda bola o'zining ulg'ayganini atrofidagilarga isbotlagisi keladi. Shuning uchun bu vaziyatda keskin choralar ko'rib bo'lmaydi.

Qizingiz bilan iloji boricha do'stona muloqot qilishga harakat qiling. Ortiqcha pardoz-andozning salbiy jihatlari tushuntiring. Kosmetik vositalarning aksariyati yuz terisiga jiddiy zarar yetkazishi, poshnali tufli vaqtdan ilgari kiyish qad-qomatni buzishi va

kelajakda xunuk oqibatlariga olib kelishi haqida aytin. Agar foyda bermasa, pardoz vositalarining o'miga har xil gigiyenik vositalarga qiziqtirib, go'zallik avvalo tozalikdan boshlanishini amaliy harakatlardan tushuntiring.



BILASIZMI?



Jinoyatni sodir etishda gumon qilingan shaxsni ushlab turish muddati ichki ishlar organiga yoki huquqni muhofaza qiluvchi boshqa organga keltirilgan paytdan e'tiboran ko'pi bilan 48 soatni tashkil etadi.

Surishtiruvchi, tergovchi yoki prokuror tomonidan zarur va yetarli asoslar taqdim etilganda ushlab turish sudning qarori bilan qo'shimcha ravishda yana 48 soatga uzaytirilishi mumkin.

Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali.

BUGUNNING GAPI

OBODLIK UCHUN BARCHA MAS'UL

Muqaddas MUSAYEVA

Yer osti o'tish yo'lida bir-ikki so'm topish ilinjida soz chalib, qo'shiq aytib o'tiradiganlarni ko'rsam: "Tilanchilik qilmay, oz bo'lsa ham mehnat qilib, pulini halolab topyapti-ku", — deb o'ylardim. Ammo vaqt o'tgan sari ularga bo'lgan hurmatim yo'qoldi. Sababi esa...

Har kuni ertalab Amir Temur xiyobonidan yer osti yo'li orqali Sayilgoh ko'chasiga o'taman. Bu paytda farroshlar ham-mayoqni supurib-sidirayot-

gan bo'ladi. Ular yig'ib olayotgan chiqindilar esa, o'sha havaskor qo'shiqchilar o'tirgan joyida qoldirgan suv va spirtli ichimliklar idishi, tamaki qoldig'i, va yana



qandaydir qog'ozlar. Vaholanki, o'n qadam bosib zinadan tepaga ko'tarilsa, bir emas, ikkita axlat idishi bor. Bu ham yetmaganday, ba'zida devorga bo'yoq chaplab allaqanday yozuvlar yoki rasm solgani ta'bingizni xira qiladi. Erta tongdan ish boshlaydigan farroshlar esa, ular sochib ketgan chiqindilarni yig'ib, devordagi bo'yoqlarni ming azob bilan o'chiradi. Ertasiga yana shu ahvol.

Buni ko'rib-kuzatib: "Ular ma'naviy jihatdan shu darajada qashshoqmi?" — deya o'ylayman.

Toma-toma ko'l bo'lur, deganlaridek, ana shunday tozalikka bee'tiborlar ketidan bugun bir manzil, ertaga esa butun shahar tartibsiz holga keladi. Har bir insonni tozalikni yon-atrofidan boshlasa, shahrimiz bundan-da ko'rkam bo'lar, albatta. Axir, obodlik uchun barcha mas'ul.

"UCHAR" LARNING ISHQ MAKTUBI JAVOBSIZ QOLMAS, DEMA, TALABA QIZ HAYOLIDA "ALVON YELKANLI KEMA!"



She'r-kasbiy muallifi: Jahongir MIRZO.

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHIGazeta O'zbekiston Matbuot va
axborot agentligida 2017-yil
2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta
ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir

Karimov Faxriddin Turdalievich

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov,
Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyev,
Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov,
Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari
("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir
o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),
Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner

Abdullayev
Xurshid
O'ktamjonovich

Navbatchi

To'maris Butunboeva

"YOSHLAR OVOZI" dan
materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.
belgisi bilan tijoriy
materiallar chop etiladi.Sizning o'qish uchun
QR kodni telefoningiz orqali
skan qilish.

Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida,
A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.Indeksalar: 203, 3203
Bahosi kelishilgan narxda.Buyurtma G-936
Adadi — 11778Boshlangan topshirish vaqti — 21.00
Topshirildi — 00.25
O'za yakuni — 22.35

Ofset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5